*Ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг тўққизинчи сессияси*

# «ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СУДИНИНГ ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ» ДОКЛАДИ ЮЗАСИДАН МУЗОКАРАЛАР

## Депутат Т. А. ЕШИМБЕТОВА нутқи

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ РАИСИ**

Биз демократиялаш ва ошкораликни кенгайтирмасдан, қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамламасдан, социал адолатга риоя қилмасдан туриб қайта қуришни янада олға силжитиб бўлмаслигига қаттиқ ишонамиз. Ўзбекистон Олий судининг ишига худди ана шу нуқтаи назардан қарамоғимиз керак. Бу — республикада одил судловнинг аҳволи тўғрисидаги амалий ҳисоботдир. Шу сабабли биз тўғридан-тўғри айтишимиз керакки, ўртоқ Йигиталиев докладида айтиб ўтилган катта-катта ишларга қарамай, Олий суд фаолиятида ҳали туб бурилиш юз бергани йўқ, бу нарса Қонун лойиҳалари тайёрлаш комиссиясининг қўшимча докладида ҳам мутлақо ҳаққоний таъкидлаб ўтилди.

Маълумки, Олий суднинг энг муҳим вазифаларидан бири Ўзбекистон ССРдаги барча судлар фаолиятини назорат қилиб туришдан, суд практикасини ўрганиш, умумлаштиришдан, судларнинг эътиборини қонунларни қўлланишнинг энг мураккаб ва актуал масалаларига қаратишдан иборат.

Бундай масалалар судлар ишида кўпдан-кўп учраб туради, бироқ улар юзасидан ўз вақтида тушунтириш бермаслик, айниқса, хатоларга йўл қўйиш одил судловга жиддий зарар келтиради.

Пахта билан боғлиқ ишларни олайлик. Шу кунгача республика судлари 800 дан ортиқ бундай ишларни кўриб чиқди. Бинобарин, Олий суд пленуми шу вақтга қадар мана шу ишлар юзасидан судлов практикасини муҳокама қилмаганлиги ва умумлаштирмаганлиги ҳайрон қолдиради.

Натижада кўпгина ҳукмлар Олий суд томонидан ўзгартирилмоқда, ўзгартирилганда ҳам кўпинча жазони юмшатиш томонига ўзгартирилмоқда, ҳолбуки биринчи инстанция судлари ҳукм чиқариш вақтида айни юмшатувчи ҳолатларнинг ҳаммасини ҳисобга оладилар. Чунончи, Қорақалпоғистон АССР Олий суди қараб чиққан пахта билан боғлиқ 21 ишнинг ўнтаси бўйича ҳукмлар ўзгартирилди, шу жумладан, 4 иш бўйича Қонунда кўзда тутилганидан кўра анча юмшоқроқ жазо белгилаш тўғрисидаги Қонуннинг қоидалари такрор қўлланди. Бунда республика Олий суди чиқарган ана шундай ажримларнинг сабаблари аниқ эмас. Масалан, 1986 йил июлида Қорақалпоғистон АССР Олий суди совхознинг собиқ директори Ю. Айтжоновни ва шу хўжаликнинг бир группа ходимларини турли муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилди, ноябрь ойида эса Ўзбекистон ССР Олий судининг жиноий ишлар бўйича коллегияси бу ҳукмни ўзгартирди. Талон-торож қилишларнинг бош ташкилотчиси хусусида чиқарилган ҳукм 12 йил озодликдан маҳрум қилишдан 10 йилгача камайтирилди, сўнгра эса шартли равишда ҳукм қилиш билан алмаштирилиб, уч йиллик синов муддати берилди. Мол-мулкни мусодара қилиш умуман чиқариб ташланди. Бу жиноятнинг иккинчи даражали иштирокчилари эса 6 йилдан 10 йилгача муддатга ҳукм қилиндилар.

Хўш, Ўзбекистон ССР Олий суди коллегияси бу ишни кўриб чиқиш вақтида нимага амал қилган? — деган қонуний савол туғилади. Қонун очиқдан-очиқ бузилганлиги сабабли Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми обрўни сақлаш учун ишни судда янгидан кўриб чиқишга юборди. Мана, уч йилдирки, бу иш ҳал қилинмаётир, унинг қатнашчилари эса бутун вақт давомида ҳибсда сақланмоқдалар. Қорақалпоғистон АССР Олий суди Қораўзак районидаги «Қуралпа» ва Калинин номли совхозларнинг мансабдор шахслари хусусидаги жиноий ишларни кўриб чиқди. Иккала ҳолатда ҳам пахтани қўшиб ёзиш орқали давлатга бир хил миқдорда моддий зарар етказилганлиги аниқланди. Бир совхоз директори 10 йилга, иккинчиси 7 йилга озодликдан маҳрум қилинди. Иккала ишни ҳам кассация тартибида Ўзбекистон ССР Олий суди кўриб чиқди. Натижалар ғалати бўлди. Биринчи директор хусусидаги ҳукм ўз кучида қолдирилди, иккинчисига уч йилга шартли равишда озодликдан маҳрум қилиб, мажбурий суратда меҳнатга жалб қилиш тарзида жазо белгиланди.

Нима сабабдан бу қадар катта фарқ борлиги ҳам тушунарли эмас.

Бундай фактлар одамларни ҳаққоний равишда ғазаблантирмоқда, уларнинг одил судловга бўлган ишончини йўққа чиқармоқда, шикоят ва аризалар ёғилиб келишига сабаб бўлмоқда.

Олий суд биринчи инстанция бўйича қараб чиққан жиноий ишлар сони камайиб бораётганлиги очиқдан-очиқ ҳайрон қолдирмоқда. Ҳолбуки ҳозирги вақтда қуйи судларда кўпдан бери ҳал қилинмай ётган ишлар жуда кўп.

Биргина Қорақалпоғистон Олий судида 1985-86 йилларда социалистик мулкни талон-торож қилиш ва порахўрлик бўйича 136 иш юргизишда бўлган. Биз Ўзбекистон Олий судидан ёрдам кутишга ҳақли эдик, аммо бундай ёрдам ололмадик.

Олий суднинг суд практикасини ўрганиш ва умумлаштириш соҳасидаги фаолиятини ҳам яхшилаш талаб қилинади. Кўпгина обзорлар, раҳбарлик тушунтиришлари қуйи судларга етиб келмаётир. Ўзбекистон ССР Олий судининг бюллетенини нашр этиш жуда зарур бўлиб қолди.

Судларнинг сайёр сессиялари ҳуқуқий тарбиянинг таъсирчан формаси бўлиб хизмат қилади. Бундай сессиялар камдан-кам ўтказилмоқда, телевидение орқали репортажлар ташкил этилгани йўқ, матбуотда ҳам камдан-кам материал босиб чиқарилмоқда. Халқ эса одил судловни амалга оширишда ошкораликни кутмоқда, айниқса, баъзи ишлар хусусида бўлмағур миш-мишлар кўпайиб кетмоқда.

Олий суд қуйи судларга яхши методик ёрдам кўрсатмаётир.

Ўртоқ Йигиталиев докладида Олий суд халқ маслаҳатчилари билан ишлаш масалалари мутлақо тилга олинмади. Афсуски, маслаҳатчиларнинг кўпчилиги судда ҳаддан ташқари пассив бўладилар. Судьялар ҳамма вақт ҳам уларнинг ўз фикрларини ҳимоя қилишларига имконият туғдириб бермайдилар.

Кўпгина депутатлар сайловчилар билан учрашувлар чоғида суд системамизнинг иши тўғрисида салбий фикрларга, қонунчиликни бузиш фактларига дуч келмоқдалар. Қонунга зид ўлароқ суд гражданнинг шарафи, қадр-қиммати, шахсий эркинлигини, унинг мулкини ҳимоя қилмайдиган ҳоллар оз эмас. Республика Олий суди, афсуски, Қонунни бузишларга ҳамма вақт ҳам оператив ва кескин муносабат билдирмайди.

Ҳозир хўжасизлик, ўғирлик, порахўрлик ва бошқа ғаразли жиноятларга қарши кураш масалалари, айниқса, кескин қилиб қўйилмоқда. Бу ишда ҳам республиканинг юқори суд органи бўлган Олий суднинг позицияси принципиал намоён бўлмоғи керак.

Олий Советнинг ушбу масалага доир қарори лойиҳасида, менимча, Олий суднинг фаолиятига тўғри баҳо берилган. Бироқ унинг ишидаги жиддий камчиликлар иш услубида туб ўзгаришлар қилишни, бу суднинг раҳбарлигини мустаҳкамлашни талаб қилади.

Олий суд жиноий ишлар судлов коллегияси составида 32 аъзо бор. Коллектив салмоқли, лекин ундан қандай фойдаланилмоқда? Бу ерда бамайлихотир яшаш вазияти вужудга келтирилган. Сўнгги уч ярим йил мобайнида судлов коллегияси биринчи инстанцияга тааллуқли борйўғи 19 та жиноий ишни, бундан ташқари, кассация ва назорат тартибида 3858 та ишни кўриб чиққан. Бунинг устига биринчи инстанцияга кирадиган 19 ишнинг 14 тасини кўриб чиқишда қонунда белгиланган муддатларга риоя қилинмаган.

Бундан бир ярим йил муқаддам бу ерда «Гўзал» трикотаж фабрикасидаги мансабдор шахсларни айблаш юзасидан иш кўриб чиқилган эди. Шу иш юзасидан суд тўрт ой маслаҳат хонасида бўлди. Ҳукм 500 саҳифада баён этилганини ҳисобга олганимизда ҳам, бу мамлакат суд практикасида илгари мисли кўрилмаган сансалорликдир.

Олий суднинг судлов коллегиялари қабул қилаётган қарорларнинг сифати йил сайин ёмонлашмоқда. Ушбу коллегиялар кўпинча хатоларга йўл қўймоқдалар ва қонунни бузмоқдалар, материалларни ўрганиш ва кўриб чиқишга эътиборсизлик билан қарамоқдалар.

Гарчи ҳисоботда Олий суд президиумининг иши ҳақида ҳеч нарса дейилмаган бўлса-да, бу ишда ҳамма нарса ҳам дуруст эмас.

Олий суд бир қанча ишлар бўйича қабул қилаётган қарорлар, жойлардан олинаётган фикр-мулоҳазаларга қараганда, область судларини таажжубга солмоқда ва барқарор суд практикасини таркиб топтиришга ёрдам бериш у ёқда турсин, ана шундай практикани таркиб топтиришга жиддий ҳалал бермоқда. Сўнгги икки ярим йил ичида область судлари олий суднинг 35 та эътирозини рад этди.

Олий суд аъзолари йиллаб сафарга чиқмайдилар, ўзлари мутасадди бўлган районларга бормайдилар, у ерда аҳвол қандайлигини билмайдилар, амалий ёрдам кўрсатмайдилар.

Ҳолбуки, ана шундай ёрдам жуда зарур, чунки кўпчилик судларда етарли тажрибага эга бўлмаган судьялар ишлашмоқда.

1986 йилнинг апрель ойида бўлган СССР Олий судининг пленумида мазкур суд раиси В. И. Теребилов 1985 йилда чиқарилган ғайриқонуний ҳукмлар сонининг энг кўплиги жиҳатидан республикамиз судларини мамлакатдаги ғоят ёмон ишлаётган судлар деб атади. Ўша вақтда ҳукмларни кассация тартибида ва назорат тартибида бекор қилиш ва ўзгартириш 7,4 процентни ташкил этган эди. Ўтган йили, яъни қайта қуриш шароитида эса, ҳукмларни бекор қилиш ва ўзгартириш 14,1 процентга етиб, икки баравар ёмонлашди. Бу йил ҳам аҳвол яхшилангани йўқ.

Судлар фаолиятида ишларни пайсалга солиш, ғайриқонуний қарорлар қабул қилиш кенг тарқалганлиги алоҳида ташвиш туғдирмоқда. Сўнгги уч ярим йил мобайнида 2,5 минг айбланувчига нисбатан ана шундай асосланмаган ажримлар чиқарилди. Бир қанча ҳолларда бунинг замирида шунчаки масъулиятсизлик эмас, балки айбдорларни улар лойиқ бўлган жазодан қутқаришга уриниш бор. Сўнгги бир ярим йил мобайнидагина прокурорларнинг эътирозлари билан жиноят, жумладан оғир жиноят содир этган 84 шахсга нисбатан чиқарилган оқловчи ҳукмлар бекор қилинди.

Республика судларида мисли кўрилмаган сансалорлик ҳукм сурмоқда. Халқ судларида ҳар 8-9 жиноий ишдан бири муддатларга риоя этилмай кўриб чиқилмоқда. Ҳукмлар йиллаб ижро этилмаяпти, ҳатто айбдорларни озодликдан маҳрум этиш тўғрисидаги ҳукмлар ҳам ижро этилмаяпти, жиноятчилар ва уларнинг қариндош-уруғлари раъйига қараб, жиноий йўл билан орттирилган, етказилган зиённи қоплаш мақсадида рўйхатга олинган автомобиллар, уй-жой пул, қимматбаҳо буюмлар қайтариб берилмоқда. Қонунларнинг бошқа тарзда бузилишига ҳам йўл қўйилмоқда.

Бундай аҳвол учун айбнинг анчагина қисмини Олий суднинг барча ходимлари ва биринчи навбатда, ўзлари суст талабчанлик ва масъулиятсизлик вазиятини вужудга келтирганликлари учун Олий суднинг раҳбарлари ўз зиммаларига олишлари керак деб ўйлайман.

Бугун айтилган ўртоқларча танқид Олий судга анча яхши ишлашга, партиянинг республикамиздаги одил судловни тубдан яхшилаш тўғрисидаги талабларини зарур даражада бажаришга ёрдам беради, деб ишонишни истар эдик.

## Депутат Д. А. УСАТОВ нутқи

**ЎЗБЕКИСТОН ССР ПРОКУРОРИ**

Ўзбекистон ССР Олий судининг ҳисоботи республика ҳаётида оддий воқеа эмас.

Бу Ўзбекистон партия ва совет органлари қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, ҳали яқингача ҳам қўполлик билан топталган социал адолат принципларини тиклаш, социалистик ҳуқуқий давлатнинг гуманистик концепциясига асос бўладиган пойдеворни яратиш юзасидан ўтказаётган катта ишнинг таркибий қисмидир.

Шу муносабат билан ҳисобот докладида бизнинг Олий суд органимиз ўз ишини қай тахлитда қайта қураётгани, қандай янгиликлар пайдо бўлгани мутлақо очиб берилмаганлиги кишини ҳайрон қолдиради.

Докладда Олий суд аъзолари, раислик қилувчилар, коллегиялар, президиум иши конкрет, энг асосийси, танқидий таҳлил қилинмади. Камчиликлар аниқ кўрсатилмади ва уларнинг сабаблари очиб берилмади. Ишни яхшилаш йўлларини қидириш ўрнига ўз айбини бошқаларга тўнкашга уриниш ҳоллари бўлди. Олий суд ишларнинг кўп қисмини ёпиқ мажлисда кўриб чиқиб, ошкоралик принципини қўпол равишда бузмоқда. Ишни эшитиш куни тўғрисида барвақт эълон бериш ва бу иш хусусида ким доклад қилишидан хабардор этиш практикасидан воз кечдилар. Шундай қилиб, гражданлар амалда суд составини рад этишдек қонунда белгиланган ҳуқуқдан маҳрум бўлмоқдалар. Ҳолбуки, ишнинг ана шундай формаси бошқа қардош республикалар Олий судлари фаолиятининг муқаррар шартидир.

## Депутат Ф. ОМОНОВ нутқи

**ШАҲРИСАБЗ РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕКРЕТАРИ**

Сўнгги икки йил мобайнида фақат область органларигагина ҳуқуқ-тартибот органлари ишининг турли жиҳатлари юзасидан гражданлардан икки мингдан кўпроқ хат ва аризалар (жумладан, судлар фаолиятига тааллуқли хатлар булар орасида ярмидан кўпини ташкил этади) тушди. Меҳнаткашлар билан учрашувда фақат область органлари шаънига жуда кўп жиддий эътирозлар билдирилмоқда.

Кўпчилик судьяларимизнинг ҳуқуқий онги социалистик қонунчилик ва тартиб ниҳоятда қўпол бузилган шароитда, ўзбошимчалик ва гражданларнинг ҳуқуқлари бузилган шароитда шаклланган эди.

Кўпчилик судьяларнинг профессионал малакаси пастлигини ҳам таъкидлаш керак, бунинг оқибатида судлар жиноят-процессуал қонунчилик талабларини қўпол тарзда бузмоқдалар, баъзида ҳуқуқ бузилишининг тафсилотларини чуқур таҳлил қила олмаяптилар, буларга зарур ҳуқуқий баҳо бера олмаяптилар. Шу сабабли областимизда судланган ҳар уч кишидан бири хусусида чиқарилган ҳукмлар кассация тартибида бекор қилинмоқда.

Одил судлов сифатининг ниҳоятда пастлиги оқибатида судлов ишлари неча йиллар узил-кесил ҳал этилмай долзарблигини йўқотмоқда. Суд мажлисларига юзлаб одамлар самарасиз жалб этилмоқда, уларга маънавий-ҳуқуқий ва моддий зарар етказилмоқда. Бунинг оқибатида одамлардаги адолатга, социал жиҳатдан муҳофаза этилганликка бўлган ишончга путур етмоқда, суднинг ҳуқуқий тарбиялаш вазифаси йўққа чиқмоқда.

Бюрократик иш услуби судьяларнинг обрўсига жиддий зарар етказмоқда, уларнинг кўпчилиги ҳадиксираб, чиқарилган ҳукм юзасидан масъулиятдан қочишга уринмоқдалар, сансалорлик қилмоқдалар. Шунинг учун ҳам областда ғайриқонуний тарзда рад этиб ишни кўрмаслик, ишларни бир суддан иккинчи судга ошириш, уларни асоссиз тарзда қўшимча терговга қайтариш фактлари кенг тарқалган.

Бу борада республика Олий суди маҳаллий судларга «ибрат» бўляпти, чоғи. Унинг позицияси ҳали қайта қуриш сиёсатига жавоб бермаяпти, суд бюрократиясига қарши кенг курашни таъминламаяпти, қуйи судларда сансалорликни вужудга келтиришга ёрдамлашмоқда, баъзан эса ана шу қуйи судларни қонунни тўғри ва адолатли татбиқ этишдан чалғитмоқда.

Бир мисол айтмоқчиман. Қашқадарё область суди 26 киши бош қўшган жиноий ишни беш ой кўриб чиқди. Гувоҳ сифатида сўроқ қилиш учун 500 дан кўпроқ киши ишни ташлаб судга келди. Суд айбдор шахсларни аниқлади ва уларни жавобгарликка тортди. Олий суд ҳукмни бекор қилиб, айни вақтда ўз ажримида, гувоҳларнинг далолати суд протоколида қисқача баён этилган, деб кўрсатди. Аммо гувоҳларнинг далолатида қайси тафсилотлар аниқланмаганлиги хусусида ажримда айтилмаган. Бунинг оқибатида 1987 йилнинг 15 июнидан буён эшитилаётган иш ҳозирги кунгача ҳам узил-кесил ҳал этилмади. Суд олти ойдан бери маслаҳат хонасида ўтирибди ва иш нима билан тугаши ҳозирча номаълум.

Агар республика Олий суди область, шаҳар ва район судлари иши устидан таъсирчан назорат ўрнатганида, судлов ишларини кўриб чиқишдаги ана шундай сансалорликка кўп жиҳатдан чек қўйиш мумкин бўлур эди. Аслида Олий суд фақат назорат қилибгина қолмай, қуйи судлар ишини чуқур таҳлил этиши, уларга амалий ёрдам бериши керак. Аммо республика Олий судининг аъзолари областимизга онда-сонда келмоқдалар.

Бу йил одил судловни амалга оширишда социалистик қонунчиликни қўпол бузганлиги учун ҳар уч судьядан биттаси интизомий жавобгарликка тортилди. Интизомий жазолар бериш билан хатолар ва камчиликларни бартараф этиб бўлмайди чоғи, жазолаш билан судьяларнинг профессионал маҳоратини ошириб бўлмайди. Бу ўринда қунт билан тарбиявий иш олиб бориш, жиддий ўқув зарур. Бу ишда Юстиция министрлиги билан баҳамжиҳат бўлиб, аввало республика Олий суди жон куйдириши керак.

Бизни судлар қонун актлари ва адлияга оид адабиёт билан қандай таъминланганлиги қизиқтирди. Маълум бўлишича, республика Юстиция министрлиги область судининг бутун составига СССР Олий суди пленумлари қарорлари тўпламидан фақат тўрт нусха ажратибди, ҳолбуки ана шу тўплам, назаримизда ҳар бир ходим учун доимий қўлланма бўлиши керак.

Бу ишда прокуратура ва милиция тергов аппаратининг ролини таъкидлаб ўтиш керак. Дастлабки тергов сифати паст бўлганлиги учун шу йилнинг тўққиз ойи мобайнида 153 та иш қўшимча тергов қилиш учун қайтарилди. Бу область марказидаги суднинг йиллик ишига баробардир.

Суд фаолиятида кўпгина ҳал бўлмаган муаммолар тўпланиб қолди. Жумладан йирик районларда судьялар ва техник ходимлар сонини кўпайтириш йўли билан судлар ишини енгиллатиш вақти келди. Судьялар ҳар куни 2—3 судлов ишини кўриши ва уларни пухтароқ ўрганишга диққат-эътибор бера олмаётгани нормал ҳол эмас, судья амалда ўзининг профессионал маҳоратини оширишга вақти йўқлиги, аҳоли ўртасида ишлашга фурсати бўлмаётганлигини гапириб ўтирмайман, айрим районларда бир судьяга 150 мингдан кўпроқ киши тўғри келади.

## Депутат М. НАВРЎЗОВА нутқи

**ВОБКЕНТ РАЙОНИДАГИ КАЛИНИН НОМЛИ КОЛХОЗ ПРАВЛЕНИЕСИНИНГ РАИСИ**

Мамлакатда амалга оширилаётган қайта қуриш жараёни, ошкоралик ҳуқуқ-тартибот органлари ишига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Умумхалқ муҳокамасига қўйилган СССР Конституциясига қўшимчалар ва ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги Қонун лойиҳасида мамлакатда одил судловни янада яхшилаш тўғрисида жуда муҳим қоидалар баён этилган. Мен ҳам депутат сифатида ушбу қарор лойиҳасида судларни халқ депутатлигига сайлаш мақсадга мувофиқ эмас, деб тўғри кўрсатилган, деб ҳисоблайман. Чунки улар бутунлай суд процессини амалга ошириш билан машғул бўлишлари ва бошқа жамоат ишларини бажаришга чалғимасликлари керак.

Жойлардаги сайлов чоғида халқ судьяларига ҳуқуқий пропагандани яхшилаш, юридик ўқувни ташкил этиш тўғрисида наказлар берилаётганлигини биз ҳаммамиз яхши биламиз. Аслида у уларнинг бевосита вазифасидир. Бундан ташқари, мен асосий Қонун лойиҳасининг 152-моддасига қуйидаги тузатиш киритишни тавсия этаман: район ва шаҳар судлари область Советининг сессиясида сайланади. XIX Бутуниттифоқ партия конференциясида шундай қилиш мақсадга мувофиқ эканлиги таъкидланган эди. Муддатларга келганда, мен халқ суди фаолиятининг беш йиллик муддати мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайман. Ана шундай шароитларда жойлардаги халқ судлари ўз фаолиятларини яна ҳам тўлароқ ва адолатли амалга оширишлари мумкин бўлур эди.

Областимизда 1985—88 йилларда пахта ишлари бўйича 600 киши жавобгарликка тортилган эди. Уларнинг кўпчилиги судланди. Ана шу суд процесслари тўғри ва адолатли бўлганлигини жамоатчиликка ким тушунтириб беради? Афсуски, матбуотда бу ҳақда материаллар жуда кам эълон қилинмоқда.

Турғунлик даврида Бухоро области порахўрлик, қўшиб ёзиш, суиистеъмол ва бошқа салбий ҳодисалар кўпроқ содир бўлган областлардан бири бўлди. Покланиш учун курашда суд органлари кўп иш қилдилар. Шу билан бир қаторда республика Олий суди областимиздаги судлар ишига етарлича эътибор бермаганлигини таъкидлаб ўтишни истардик. Олий суд органининг вакиллари баъзан Ягона сиёсий кунлар ўтказиш учун ёки айрим меҳмонларга ҳамроҳ бўлиб келишади, лекин амалий ёрдам бериш мақсадида келишаётгани йўқ.

Областда асосланган ҳукмлар чиқарилган ишлар бўйича республика Олий суди ғайриқонуний қарорлар қабул қилгани ҳақида фактлар ягона эмас экан, Олий суднинг қандай ёрдами ҳақида гап бўлиши мумкин. Масалан, область судининг Ғиждувон районидаги Айний номли колхоз ходимлари ва Вобкент район матлубот жамияти ходимлари ишлари устидан чиқарган иккала ҳукмини Олий суднинг судлов коллегияси бекор қилди. Аммо бу ҳукмлар очиқдан-очиқ ғайриқонуний тарзда, етарлича асосланмасдан бекор қилинди.

Республика Олий суди ва унинг раҳбарларидан областдаги ишларга сира бундай аралашиш талаб қилинаётгани йўқ. Масалан, халқ судлари биноларининг жиҳозланишини олайлик. Шуни рўйрост тан олиш керакки, кўпчилик районларда халқ судлари яроқсиз биноларда ишламоқдалар, ҳатто стуллар, ўзбек тилида ёзадиган машинкалар етишмаяпти. Яна танг қоладиган ери шундаки, халқ судларининг ходимлари олий маълумотли кишилар бўлсаларда, суднинг айрим қарорлари ва ажримларини ўқиганингда ёқа ушлаб қоласан. Уларда ўзбек адабий тилининг оддий талабларига, грамматика қоидаларига, мантиқ қонунларига риоя этилмайди. Наҳотки, суднинг ана шу қарорларини Олий суд текширмаётган, таҳлил қилмаётган бўлса?

Ўзбекистон ССР Олий суди ва унинг жойлардаги органлари фақат жиноятчиликка қарши фаол курашибгина қолмай, жиноятларнинг олдини олиш юзасидан ҳам ўз ишларини кучайтирадилар, деб ишонгимиз келади.

## Депутат А. А. ЙЎЛДОШЕВ нутқи

**САМАРҚАНД ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ РАИСИ**

Бугун биз республика Олий суди фаолиятига ҳуқуқий давлат, авж олиб бораётган ҳуқуқий ислоҳот позициясидан туриб принципиал баҳо беришимиз керак. Ана шу ғоят муҳим масала кўриб чиқилаётганида ҳам ошкоралик ва демократия вазияти ҳукм суриши лозим. Докладдан, депутатларнинг нутқларидан кўриниб турибдики, Ўзбекистон суд органлари ишида муайян силжишлар рўй бериб, хатолар ва бузилишлар анча камайди.

Аммо фикрларимни очиқ айтмоқчиман. Бу ерда докладчи ўртоқ Йигиталиев айтганидек, муҳим ишлар қилинаётганига қарамасдан, муҳофаза қилиш фаолиятини, шу жумладан, судларни қайта қуриш жараёни сусткашлик билан бораётир. Ҳамон кўпгина суд органларимизда одамларга расмиятчилик ва лоқайдлик билан муносабатда бўлинаётир, инсон тақдирини ҳал этишга бюрократларча ёндашилаётир. Бу областимиз судлари мисолида ҳам кўриниб турибди. У ерда ишларни юзаки ва расмиятчилик билан кўриб чиқиш, ноҳақ қамаш, жазо чораларини тўғри белгиламаслик фактларига ҳамон йўл қўйиб келинмоқда. 1987 йилда область суди чиқарган ҳукмларнинг 46 проценти асосланмаган ҳукм сифатида бекор қилинди, кўпгина ишлар бўйича асоссиз сансалорликка йўл қўйилаётир.

Мен хизмат ва депутатлик вазифаларимни бажариш жараёнида гражданларнинг суд қарорларининг ноҳақлиги хусусида асосли шикоятларига тез-тез дуч келиб турибман. Бу эса ташвиш туғдираётир. Область Совети сессияларидан бирида область иши батафсил муҳокама қилинди, яқинда унинг состави янгиланди. Бу билан чекланмоқчи эмасмиз. Маҳаллий судлар фаолиятидаги камчиликларга кўп жиҳатдан Олий суд уларнинг ишини бўш назорат қилаётганлиги, уларга кам ёрдам кўрсатилаётганлиги сабаб бўлмоқда. Биз республика Олий суди область судлари билан таъсирчан амалий алоқа боғлашини, методик жиҳатдан ҳамкорлик қилишини, профессионал тайёргарликни кучайтириш юзасидан тадбирлар кўришини истар эдик.

Ҳаёт суд органлари ишига Олий суд ходимлари жиддийроқ эътибор беришларини талаб қилаётир. Масалан, «Пахтага оид ишлар»ни олиб кўрайлик. Область судида бу ишларни кўриб чиқиш вақтида кўпгина соф профессионал масалалар вужудга келди, лекин Олий суд томонидан ёрдам кўрсатилмади. Бу эса мазкур ишлар сифатига салбий таъсир кўрсатди.

Олий суд мураккаб ва сансалорликка солинаётган ишларни ўзи кўриб чиқиш учун қабул қилиши керак, деган Қонун талабини ҳамиша ҳам бажармаётир. Д. Ҳ. Очиловни қотилликда айблашга оид жиноий иш бунга мисол бўла олади, бу иш 2 йил давомида бир неча бор терговга қайтарилди. Иш юзасидан судларнинг бешта қарорини, шу жумладан, область суди қарорларини бекор қилиш ҳақида Олий суднинг иккита қарори чиқарилди, лекин мазкур ишни узил-кесил ҳал этиш юзасидан чора кўрилмади.

Олий суднинг протестлари ҳамиша ҳам асосли бўлмайди, баъзан ишлар бўйича протест киритилади ва «зарурати қолмади», деган бир қолипдаги таъриф билан қайтарилади. Т. Умаров, Ш. Жуманазаров ва 1984 йилдаёқ оғир жиноятлари учун озодликдан маҳрум қилинган бошқа шахсларнинг жиноий иши бўйича аҳвол шундай бўлди.

Кўпинча область суди рад этган протестлар Олий суд томонидан қондирилади. Биз бу қарорларнинг тўғрилигига баҳо бериш ваколатига эга эмасмиз, лекин шундай савол ўринлидир: ана шу суд инстанциялари ўртасида нима учун бу қадар кўп келишмовчиликлар бўлмоқда. Бунга область суди аъзолари профессионал савиясининг етарли эмаслиги сабаб бўлаётирми ёки Олий суд: «Кимда ҳуқуқ кўпроқ бўлса ўша ҳақ» деган принцип асосида иш олиб бораётирми?

Бугунги кунда суд органлари ишининг обрўси ва сифатига, аввало, уларнинг сезгирлиги, қарорларнинг қонуний ва асосли бўлиши билан баҳо берилади. Аммо судларимизда худди ана шу фазилатлар етишмаяпти. Бизнинг фикримизча, республика Олий суди ва унинг раиси эски инструкциялар билан ҳаётдан ажралиб қолмаслиги, суд органлари ишига дадиллик билан янгилик киритиши зарур.

Олий суд меҳнаткашларнинг ҳуқуқий билимлари даражасини ошириш сингари проблема устида ҳам жиддий ўйласа бўларди. Бусиз ҳуқуқий давлатни тасаввур қилиб бўлмайди. Суд органларининг ходимлари бошқаларга таълим берибгина қолмай, ўзлари ҳам демократия ва ошкораликни, одамларга, уларнинг ҳуқуқларига эътибор билан муносабатда бўлишни ўрганишлари керак. Аммо Олий судимизнинг аъзолари кабинетларда ўтиришни афзал кўрмоқдалар.

Самарқанд областининг меҳнаткашлари уларни ўз коллективларида ҳеч учратмайдилар. Наҳотки, республика Олий суд органи вакилларининг одамларга айтадиган гаплари бўлмаса! Бу истакни ҳисобга оладилар, деб ишонгимиз келади.

Областимизнинг кўпгина судлари ноқулай биноларда жойлашган, уларнинг ишни тинглаш учун, судланувчиларни жойлаштириш учун заллари йўқ. Маҳаллий Советларнинг судларга нормал шароит яратишга интилишлари ҳамиша ҳам тегишли фондлар ва лимитлар билан мустаҳкамланмаётир. Биз республика Министрлар Совети ва Госпланидан ана шу проблемани ҳал этишни сўраймиз. Судга ҳурматни ҳар томонлама ошириш, унинг ходимлари хавфсизлигини, суднинг мустақиллигини ва фақат Қонунга бўйсунишини таъминлаш пайти келди. Мен суд ишига аралашганлик учун, судьяларга ҳурматсизлик билан муносабатда бўлганлик учун жавобгарликни кўзда тутувчи махсус Қонун қабул қилиш тўғрисидаги таклифни қўллаб-қувватлайман.

Бизнинг фикримизча, СССР Конституциясига киритиладиган ўзгартишлар ва қўшимчаларда халқ судьяларининг ваколати ўн йил муддатга тайинланиши тўғри. Шу билан бирга уларнинг сайланиши принципи хусусида пухтароқ ўйлаб, уларнинг мустақиллигини таъминлаш керак.

## Депутат Б. Ғ. ОЛИМЖОНОВ нутқи

**ЎЗБЕКИСТОН ССР ЮСТИЦИЯ МИНИСТРИ**

Олий суднинг аввалги ҳисоботидан кейин уч йилу саккиз ой вақт ўтди. Одил судлов даражасини ошириш ва судья кадрларнинг масъулиятини кучайтириш борасида муайян ишлар бажарилди. Аммо республика судларининг ишида Қонун талабларига риоя этиш масаласи катта ташвиш уйғотмоқда. Бу йил бир қанча жиноий тажовузларга ва маъмурий ҳуқуқбузарликка қарши курашда вужудга келаётган оператив вазият ташвишлантирмоқда.

1987 йилнинг ноябрида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қабул қилган ҳужжатда министрлигимизнинг ҳам, Олий суднинг ҳам фаолияти қаттиқ, аммо ҳаққоний танқид қилинди. Мазкур ҳужжатда кадрлар сиёсатидаги хатолар таҳлил этилиб, Олий судда республикадаги барча судлар ишининг аҳволи учун масъулиятни ҳис этиш муҳити вужудга келтирилмаганлиги тўғрисида тўғри уқтириб ўтилди. Олий суднинг фаолияти асосан кассация ва назорат тартибидаги ишларни кўриб чиқишдан иборат бўлиб қолмоқда. Олий суд область судлари билан халқ судларининг иш сифати учун жон куйдирмаётганлиги, ана шу судлардан ажралиб қолганлиги равшан. Судьяларнинг малакасини оширишда Олий суд бераётган ёрдам етарлича юқори даражада эмас, баъзида самарасиздир. Биз Олий суднинг фаолиятида конкрет ёрдам бериш учун жойларга бориш, хатоларни таҳлил этишдан амалда фойдаланиш каби чора-тадбирларни кўрмаяпмиз. Олий суд жорий этаётган семинарлар, жойларга юборилаётган тавсияномалар чуқур эмас ва судларнинг ишини қайта қуришга кўмаклашмаяпти. Юстиция министрлиги билан Олий суд ўртасидаги амалий алоқанинг йўқлиги жиддий камчиликдир. Афсуски, Олий суд министрлик томонидан кўрсатилган ташаббусга ҳамиша ҳам эътибор бермай, лоқайдлик қилмоқда ва ҳатто ҳамкорлик қилишни истамаслигини намоён этмоқда.

Министрлик коллегияси республика Олий суди органининг иш сифатига ўзининг ғоят муҳим муаммоси сифатида қарамоқда, ана шу муаммони ҳал этишдан биз ниҳоятда манфаатдормиз, чунки суд бўғинларидаги камчиликларни бартараф этиш Олий суд ишини яхшилаш билан бевосита боғлиқ эканига ишончимиз комил. Ҳозирча эса республика судларида ишлар ҳамон юқори сифатда кўриб чиқилмаяпти, кўплаб ҳукмлар ҳамда суд қарорлари бекор қилинмоқда ва ўзгартирилмоқда, ишларни кўриб чиқиш муддатлари қўпол суратда бузилмоқда, гражданларни Қонунга хилоф равишда ҳукм қилиш фактлари тугатилмаётганлиги ташвишлантирмоқда, суд профилактикаси суст.

Ана шу муаммоларни ҳеч кечиктирмай ҳал қилиш Олий суднинг ҳам, Юстиция министрлигининг ҳам баб-баравар вазифасидир. Олий суд аъзоларидан талайгина қисмининг назарий ва амалий тайёргарлиги ҳали кўп жиҳатдан пастлиги Олий суд етарлича таъсир ўтказмаётганлигининг асосий сабабларидан биридир.

Олий суднинг жиноий ишлар бўйича суд коллегияси ишларни кассация ва назорат тартибида кўриб чиқиш чоғида кўпгина хато қарорларга йўл қўймоқда. 1985-1988 йилларда 633 шахсга оид кассация ажримлари бекор қилинди ва ўзгартирилди. Биз депутатлардан мана шу юксак судьялик лавозимига таклиф этиладиган номзодларни ўрганишга бундан буён зўр эътибор ва вазминлик билан ёндашувларини илтимос қилардик. Олий суд раҳбарияти, президиуми ва пленуми эса судьяларнинг касб маҳоратини ошириш устида ишлашлари, жиноий ишлар ва гражданлик ишлари юзасидан суд практикасининг қарор топишига оператив равишда эътибор беришлари зарур.

Судларга кўп миқдорда «пахтага доир» ишлар келиб тушган 1985 йилдан бошлаб Олий суд бундай ишларни биринчи босқичда кўриб чиқишда ҳам, уларни ишлари ошиб-тошиб ётган судлардан, масалан Қашқадарё, Бухоро область судларидан бошқа судларга топширишда ҳам ўз ташаббусига кўра ниҳоятда зарур ёрдамни кўрсатмади. Ўша даврда республика Юстиция министрлиги билан Ўзбекистон ССР прокуратурасида эса мазкур категориядаги ишларни кўриб чиқишда кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни таъминловчи махсус штаблар зўр ғайрат билан ишлаб турган эди.

Ҳозирги вақтда «пахта» ишлари асосан тугалланган, ишлари асосан тугалланган. Аммо бундай ишларни кўриб чиқиш практикаси эса чуқур умумлаштирилмаган масалани Олий суд пленумида аллақачон кўриб чиқиб, судларга асосли тавсияномалар бериш керак эди. Бунинг республика судлари учун қандай аҳамиятга эга эканлигини исботлаб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Область судлари ва тегишли судларнинг кўпгина ҳукмлари (1987 йилнинг ўзидагина тахминан 400 нафар маҳкумга нисбатан) ўзгартирилиб юмшатилди-ку ахир. Ўзбекистон ССР Олий суди принципиаллик кўрсатиб, ўзига тегишли ролни ўйнаган тақдирда қанчадан-қанча иш вақти тежалган бўлур эди

Олий суднинг хатолар сонини бирмунча камайтириши мумкин бўлган айрим изоҳлари кечикиб берилмоқда. Жиноий ишларнинг долзарб категориялари, яъни талон-торож қилиш, порахўрлик, хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш, безорилик, қасддан одам ўлдириш, номусга тегиш каби категориялар юзасидан суд практикаси ҳам умумлаштирилмади, ваҳолонки шундай жиноий ишларни кўриб чиқиш чоғида судлар тез-тез хатоларга йўл қўймоқдалар. Биз бундай сусткашликни порахўрлик ва талон-торожларга қарши курашнинг энг кескин даврларидан биридаги жиддий нуқсон деб баҳолаймиз. Олий суд томонидан қилинаётган назорат даражаси ва сифати сиёсий системани қайта қуришнинг ва суд ситемасини ислоҳ қилишнинг ҳозирги талабларига мувофиқ эмас. Олий суднинг ўзида ишларни кўриб чиқиш чоғида сансалорлик фактлари мавжуд. бу ишларни қуйи судларга қайтариш тартиби бузилмоқда.

(Давоми 3-бетда).

